Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 18 декабрь ШАНБА

№ 101 (12.321)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## ВИЛОЯТ ШАҲАРЛАРИДА ҚАТНАЙДИГАН ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЧИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги "Шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида"ги 455-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 10 декабрдаги 1715-04-19-12/120-2946-сон хатига асосан, вилоят шаҳарлари ички йўналишларида йўловчи ташувчи транспорт хизматлари харажатларини қоплашни инобатга олган ҳолда, автобус транспорти хизматининг барқарор ишлашини таъминлаш ва йўловчилар ташиш транспорт хизматлари тарифларини асосли шакллантириш мақсадида**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳарларда қатнайдиган йўловчи ташувчи автобус транспорти хизматларининг чекланган тарифларини, йўловчилар ташишнинг амалда шаклланаётган харажатларини қоплашни таъминлаш ва шу орқали шаҳарларда йўловчи ташувчи автобус транспортининг барқарор қатновини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳудудидаги шаҳар ичи йўналишларида қатновчи автобусларда бир марталик юриш чипта нархи 500 сўм этиб белгилансин.

2. Вилоят ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти (Э. Азизов)га:

транспорт хизматларининг чекланган тарифини шаҳар йўловчи ташиш автокорхоналарида жорий этилишини таъминлаш;

шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳар ички йўналишларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 2003 йил 2 июлда тасдиқланган "Автобус йўналишларига параллель йўналишли такси йўналишларини очиш (ёпиш) тўғрисида"ги тавсияномасига амал қилган ҳолда, шаҳар ичидаги йўналишли такси йўналишларида бир марта юриш чипта нархи 700 сўм этиб белгилансин ва уларнинг ушбу нархда хизмат кўрсатиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

4. Мазкур қарор қабул қилиниши билан вилоят ҳокимининг 2009 йил 14 августдаги 173-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Илҳомов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Р. ХОЛМАТОВ.**

2010 йил 17 декабрь.

БУГУННИНГ ГАПИ



## КЎЧАТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

**– Келгуси йил давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланганлиги бизни руҳлантириб юборди, – дейди "Абдушукуров" хусусий корхонаси раҳбари Ҳамиджон Йўлчиев. – Шу муносабат билан янги имкониятлар излашга астойдил киришмоқдамиз.**

Хусусий тадбиркорлар учун яратилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, тадбиркор манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда гул етиштириш кўламини кенгайтираяпти. Шу кунларда Ҳ. Йўлчиев ўн хилда 1000 тупдан ортиқ арча кўчатлари, ўн икки хил атиргул етиштирмоқда.



**СУРАТЛАРДА:** хусусий тадбиркор Ҳамиджон Йўлчиев; гулчи Тоҳир Содиқов ишчи Комила Ҳусанова билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

НУҚТАИ НАЗАР

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси ва унда илгари сурилган концепция мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган мукаммал дастуриламал сифатида нафақат юртдошларимизни, балки хорижий эксперт-таҳлил гуруҳлари вакилларини ҳам қизиқтираётгани бежиз эмас. Негаки, унда мамлакатимиз тараққиётининг кейинги муҳим босқичлари, хусусан, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг устувор йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди.**

Дарҳақиқат, Юртбошимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган муваффақиятларни таҳлил этар экан, барчамизнинг асосий вазифамиз ана шу ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмай, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлмоғи лозимлигини алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам бу борада хотиржамликка берилиш тараққиёт истиқболига салбий таъсир этиши мумкинлиги кўпгина ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши аён.

Маърузада бир қатор муҳим ҳаётий ғоялар ва ташаббуслар илгари сурилди. Чунончи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентнинг ўрни ва масъулиятини янада ошириш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари ўртага ташланди.

Чиндан ҳам, Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, юртимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари сифатида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда демократик тамойилларни кучайтириш, судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича аниқ стратегия шаклланди.

Айтайлик, "Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида"ги 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясига имзо чеккан дунёнинг 120 та давлати қаторида Ўзбекистон ҳам 1995 йилда мазкур конвенцияга қўшилиши билан юртимизда судловнинг янги нодавлат тури – ҳакамлик судларини жорий этишга замин яратилди. Юртбошимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуннинг яратилишига туртки бўлди. Мазкур қонун мамлакатимиз суд тизимида низоларни давлат судларидан ташқари, арбитраж тартибида ҳал этиш имкониятини вужудга келтирди.

Юртимизда ҳакамлик судлари ўзининг бир ярим йиллик фаолияти давомида халқаро ташкилотлар, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг арбитраж судлари билан ҳамкорлик боғлашга улгурди. Англия, Франция, Италия, Германия, АҚШ, Швейцария, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия каби 80 дан ортиқ давлатлар шулар жумласидандир. Ҳакамлик судларининг республикамизда фаолият кўрсатиши нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлайди, балки қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва юртимизга кириб келаётган хориж сармоялари оқимини кўпайтириш учун ҳам муносиб шарт-шароит яратади.

**Худойберди НОРБОЕВ.**



**Зангиота тумани ҳокимлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи" мавзусида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент давлат аграр университети, вилоят ва туман "Тадбиркор аёл" уюшмалари раҳбарлари ҳамда тадбиркор аёллар иштирок этишди.**

**Меҳмонлар дастлаб туман тадбиркор аёллари ишлаб чиқараётган, турли-туман маҳсулотлар, хизмат кўрсатиш турлари кўргазмаси билан танишдилар.**

## ЭНДИ ИШЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

– Ёшлигимдан тикувчиликка ҳавасим баланд бўлган, – дейди тадбиркор Мавлуда Мирзаева. – Шу сабаб 10 йил аввал кичкина цех очиб, аёллар кийим-кечаклари тикишни йўлга қўйганман. Ўшанда икки аёл билан иш бошлаган бўлсак, ҳозир улар 20 кишига етди. Маҳсулотларимиз хусусий дўконда сотилмоқда. 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланганидан руҳланиб, банкдан 10 миллион сўм кредит олишни, Япониядан тикув машиналари келтиришни мўлжаллаб қўйдим. Янги лойиҳам амалга ошса, яна 10 та иш ўрни яратилади.



Йиғилишнинг иккинчи қисми ҳокимликнинг мажлислар залида давом этди. Сўзга чиққанлар "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси", "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили", "Тадбиркорлик – давр талаби", "Тадбиркор – элга мададкор" каби мавзуларда маъруза қилишди. Баҳс-мунозара ва савол-жавоблар билан тадбир қизғин ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбир ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

## ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ — ҚОНУН НАЗОРАТИДА

**Ҳаммамиз орзиқиб кутаётган Янги йилнинг кириб келишига, қишки таътил бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Болаларимизни арча атрофида бўладиган байрам тадбирлари кутиб турибди. Албатта, бундай байрамлар турли хил пақилдоқлар, мини-фейерверкларсиз ўтмайди. Бироқ, баъзида нафақат болалар ва уларнинг ота-оналари, балки бундай тадбирларнинг ташкилотчилари ҳам сифатсиз пиротехника воситалари ёки улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик инсон соғлиғи, ҳатто ҳаёти учун жиддий хавф солиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмайдилар. Шу боис, Ўзбекистонда пиротехника буюмларидан фойдаланишни тартибга солиш, бу борадаги тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ мамлакатимизда ушбу соҳадаги мавжуд ҳуқуқий нормалар ҳақида сўзлаб берди:**

– Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча жабҳаларда инсон манфаати ва фаровонлиги учун ижтимоий йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди М. Мамасиддиқов. – Бозор муносабатлари истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий қонунчилигимиз асосида шаклланмоқда. Бу нормалар одамлар саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган пиротехника буюмлари каби товарларнинг айланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалар, масалан, порохдан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфли буюмлар тоифасига киради. Миллий ва халқаро таснифга мувофиқ, пиротехника буюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва буюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган. Негаки, улар одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг мол-мулкини асрашга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Сўнгги йилларда бутун дунёда асосан маиший пиротехника буюмларидан фойдаланиш ҳажми кескин кўпайди ва бу фожиали ҳолатларга олиб келмоқда. Маълумки, бир йил аввал Россиянинг Пермь вилоятидаги "Хромая лошадь" кафесида рўй берган ёнғин оқибатида 156 киши ҳалок бўлган, 64 киши қаттиқ жароҳат олган. Жиноий иш бўйича жами 400 нафардан ортиқ киши жабрланган деб топилган. Тергов давомида техника хавфсизлиги ҳисобга олинмасдан фойдаланилган пиротехника буюмлари ёнғинга сабаб бўлгани аниқланган. Россияда ушбу фожиали воқеадан сўнггина ёниш хавфи бўлган бино ва иморатларни оммавий аниқлаш бошланди.

Мамлакатимизда портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлашни назорат қилиш бўйича ишлар мунтазам, тизимли асосда амалга оширилаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартда қабул қилинган тегишли қарори билан яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш лицензияланиши керак бўлган бундай моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситалари рўйхати тасдиқланган. Пиротехника буюмларининг ўзига хос хусусиятларга эгалиги ҳисобга олиниб, улар ушбу рўйхатга киритилмаган эди. Пиротехника буюмларининг хавфлилигига қарамай, уларнинг катта қисми қонунчиликка мувофиқ етарли даражада тартибга солинмаган эди. 2006-2009 йиллар мобайнида ички ишлар органлари томонидан ўтказилган рейдлар ва бошқа тадбирлар натижасида, пиротехника буюмларини олиб келиш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш бўйича белгиланган қоидалар қўпол равишда бузилган ҳолатлар аниқланди, 3 минг 481 нафар шахсдан 3 миллиард 276 миллион донадан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилди.

Ушбу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 август куни бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун маъқулланди ва матбуотда эълон қилинганидан сўнг, шу йилнинг 23 сентябридан кучга кирди.

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси "Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи" деб номланган $250^1$-модда билан тўлдирилди.

(Давоми 3-бетда).

# ВИЛОЯТ ҲАВОСИ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР

**Тошкент вилоятининг экологияси мураккаб экотизм ҳудудига киради. 15,6 минг квадрат километрдан зиёд майдонни эгаллаган вилоятда тахминан 2 миллион 370 минг аҳоли яшайди. Уларнинг саломатлиги ва экологик барқарорлик кўп жиҳатдан атроф-муҳит ҳамда атмосфера ҳавосининг ҳолатига боғлиқ.**

Айни пайтда ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланиш даражаси санитария-гигиеник меъёрларга жавоб берадиган даражада камайганлиги экологик барқарорлик таъминланаётганидан дарақдир. Бунинг учун тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида атроф-муҳит, иқлим, тупроқ, сув иншоотлари ҳолати, саноат, автотранспорт ва бошқа йўналишлар бўйича доимий таҳлиллар ўтказиб борилмоқда.

Кейинги йилларда пойтахтимизда бўлгани каби Тошкент вилояти кўчалари ҳам кенгайтирилди. Кўплаб йўл ўтказгичлар ва кўприклар барпо этилди. Ўз навбатида жамоат транспорти янгиланиб, экологик тоза ёнилғига ўтказилгани ҳам улардан чиқаётган зарарли моддалар 3 баравар қисқаришига асос бўлди.

Бугунги кунда вилоятда жами 192 мингга яқин автомобиль транспорти бўлиб, шундан 14 минг 793 таси экологик тоза газ ёқилғисига ўтказилган. 11 минг 804 таси дизель ёқилғисидан, қолган 165 минг 126 таси бензиндан фойдаланади. Автомобиллар кундан-кунга кўпаяётган бўлсада, аввалги йилларга нисбатан улардан тарқалаётган зарарли моддалар камаймоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни қайта ишлашнинг янги усулларини кенг қўллаш натижасида саноат корхоналарининг очиқ сув ҳавзаларига оқавалар чиқариши ҳам 1991 йилга нисбатан 3 баравар қисқарди. 1991 йилгача очиқ сув ҳавзаларига корхоналарнинг 3 миллион куб метр тозаланмаган оқава суви чиқарилган бўлса, ҳозир 1 миллион куб метргача камайтирилди. Ўз навбатида, Чирчиқ дарёси, Салор, Қорасув, Бўзсув каналларидаги сув сифати яхшиланишига эришилди.

Шубҳасиз, экологик мувозанатнинг бир томони кўкаламзорлаштириш билан ҳам боғлиқ. Аввалambор, ўсимликлар ҳавони тозалайди, атмосферага ифлослантирувчи моддалар тарқалишига йўл қўймайди, намликни таъминлаб, ҳаво қуруқлигини пасайтиради. Катта яшил майдонларда ҳаво ҳарорати очиқ майдонларга нисбатан 3-4 даража фарқ қилади. Бир гектар кўкаламзорлаштирилган майдон йилига 54 тонна чангни тўсар экан. Бундай майдонлар ҳавонинг ифлосланиши 40-45 фоиз камайишига хизмат қилади.

Вилоятимиз ҳудудининг 90 минг гектар майдони ўрмон билан қопланган. Бу вилоят ҳудудининг 6 фоизига тенг. Меъёр бўйича аҳоли жон бошига 42 квадрат метр кўкаламзор майдон тўғри келади. Ўтган йигирма йил ичида бу кўрсаткич 200 квадрат метрга кўпайди. Ҳар йили 500 гектарда дарахтзорлар барпо этилиб, 1 миллион туп бута экилмоқда.

Биохилмахилликни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида, айниқса, игна баргли ўсимликлар, каштан, липа, қайин, япон сафораси кўп ўстирилмоқда. Кейинги ўн йил ичида вилоятимизда 1000 гектар майдонда бир нечта янги боғлар барпо этилди, 1 гектар асфальт қопланган ер гулзорларга айлантирилди. Бугунги кунда вилоятимизнинг яшил майдони Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл шаҳарларига нисбатан икки-уч баравар катта.

Гидрометеорология хизматидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, вилоят атмосфера ҳавосининг ҳолати белгиланган меъёр даражасига тўғри келади. Бу эса, таъкидлаганимиздек, экологик барқарорлик таъминланаётганидан далолатдир.

**Холтўра СУВОНОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.**



**Лимон – тўрт фаслнинг мўъжизавий неъмати.**

# ДЕКЛАРАЦИЯ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**16-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмини қўллаш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтганди. Унда "Тошкент экологик декларацияси" қабул қилинганди. Декларацияни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари, умумтаълим мактаблари ва коллеж раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда тиббиёт вакиллари иштирок этишди.

Сўнгги 30 йил давомида Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари ўткир тус олди ва у фақат глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлиб қолмай, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсири туфайли ҳамдир. Ўрта Осиёнинг асосий сув оқимлари бўлмиш Амударё ва Сирдарёда йирик гидроиншоотлар қурилиши ҳамда сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида табиий сув оқими меъёрининг бузилиши Орол денгизи ҳавзасида ўнглаб бўлмас даражадаги глобал экологик фожиага олиб келди.

Собиқ иттифоқ даврида қурилган ва шу пайтга қадар модернизация қилинмаган ҳамда технологиянинг халқаро экологик талабларига жавоб бермайдиган, эскирган андозадаги саноат корхоналари минтақа атроф-муҳитига, аҳоли саломатлиги ва генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатаётгани айтиб ўтилди.

– Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сергей Самойлов, – сўнгги 35 йил давомида Тожикистон алюминий корхонасидан атроф-муҳитга зарарли саноат чиқиндиларининг чиқарилиши Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари аҳолиси саломатлигига ва генофондига жиддий зарар етказмоқда. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, экин-тикинлар ҳосилдорлигига, қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига зиён етказмоқда. Тадбирда шу муаммонинг ечимлари хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёлари юқори қисмида йирик гидроиншоотлар қуриш ва минтақадаги алюминий заводини кенгайтириш билан боғлиқ экологик хавф-хатарни камайтириш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасига кенг жамоатчиликни жалб этиш, экологик маданиятни юксалтириш, инсон ва табиатни асрашдек муқаддас вазифани бажаришга қаратилган халқаро алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлашди.

# Табиат ва инсон

*Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси*

# САЙЁҲЛАРНИНГ ҚАДАМИ УЗИЛМАЙДИ

**Туризм мамлакат иқтисодиётига валюта тушумлари билан салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. "Ўзбектуризм" миллий компанияси туризмдан келадиган тушумларни янада кўпайтириш имкониятларига эга. Аммо, бу сайёҳларнинг камлиги боис, хизмат ҳақининг юқорилиги билан эмас, балки келувчиларнинг кўплиги ва хизмат ҳақининг арзонлиги орқали ҳал қилиниши лозим. Туризмдан манфаат кўраётган мамлакатлар, масалан Малайзия, Таиланд ва Сингапурда оммавий саёҳатчилар учун меҳмонхоналарда тунаш 9 АҚШ долларидан 30 долларгача. "Ўзбектуризм" ихтиёрида бўлган "Shodlik Palace" меҳмонхонасида бир кун тунаш ўртача 170 америка долларига тушади. Албатта, бундай нархнаво келаётган сайёҳларни чўчитади. Оқибатда бу меҳмонхонада бор ўринлардан фойдаланиш 50 фоизга ҳам етмайди.**

Бизнинг-ча, жойлардан унумли фойдаланиш учун нархлар қайта кўриб чиқилиши, жаҳон андозаларидан ўрнак олган ҳолда, белгиланиши керак. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг туризм хизматига жалб қилинадиган шаҳарларида кичик меҳмонхоналар, ҳатто, 1 та оила ёки 2-3 киши учун мўлжалланган бинолардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.



Туризм бозорини ўрганишда у ёки бу халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, меҳмондўстлиги ва яна бошқа кўплаб омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон диёрига бир марта келган сайёҳ, қандай йўналиш бўйича бўлмасин, халқимизнинг меҳмондўстлиги сабабли яна бир бор ташриф буюришни орзу қилар экан.

Кўп кузатишлардан маълум бўлдики, "Ўзбекистонга яна келиш истагингиз борми?" деган саволга аксарият сайёҳлар "Мен, албатта, яна келаман, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, самимияти, одамларга диққат-эътибори мени лол қолдирди", деб жавоб беришган. Яна қўшимча қилиб, "Ўзбекистонда биз кўрадиган, билиб қўйишимиз лозим бўлган, таҳсинга лойиқ жойлар кўп экан", дея фикр билдиришган.

Шу билан бирга айрим сайёҳлар хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмаслигини айтишган. Халқаро туризм йўналишидаги шаҳарларнинг катта меҳмонхоналаридаги айрим ходимларнинг қўполлиги, хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишлари ва ниҳоят, сафардан кўнгиллари тўлмаганлигини ҳам қайд қилишган. Бундай ҳолат, албатта, сайёҳлар оқимини нафақат халқаро, балки ички йўналишда ҳам кескин камайишига сабаб бўлаяпти.

Ўзбекистонга келадиган сайёҳлар кўпайишида илгари ташриф буюрган сайёҳларга нисбатан муомала-мулозамат ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунончи, агар сафар сайёҳга ёқса, бу ҳақда камида 10 танишига мақтанади, агар ёқмаса, 20 одамга ёмон таассуротларлари ҳақида айтиши мумкин. Шунинг учун хорижлик меҳмонларга кўрсатилаётган ҳар бир сервис хизмати жаҳон андозалари даражасига жавоб бера оладиган бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда халқаро туризмнинг ривожланиши учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарур. Ер юзи бўйлаб сафарга отланаётган 900 миллионга яқин кишилардан жуда озчилиги Ўзбекистон, умуман Марказий Осиё давлатлари ҳақида тасаввурга эга эмас. Чет элларнинг оддий фуқаролари у ёқда турсин, ҳатто, мамлакатимизга ташриф буюраётган кўплаб машҳур давлат, жамоат, адабиёт ва санъат арбоблари ҳам Ўзбекистонни энди аста-секин кашф эта бошлашди.

Ўзбекистон Евроосиёнинг йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, Осиёга, Европага чиқиш учун қулай имкониятларга эга. Бу келажакда республика ташқи иқтисодий фаолиятини кўплаб давлатлар билан амалга ошириш ва технологиялар, сармоялар, маданий бойликларни ўзаро алмашиш имконини беради.

**Комилжон ХУРСАНДОВ.**

# АТРОФ-МУҲИТНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Мутахассислар фикрича, Ер юзидаги мавжуд касалликларнинг 35 фоизи табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, экологияга етказилаётган зарар, сув, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланиши туфайли юзага келмоқда. Агар инсон соғлом табиий муҳитда яшаса, соғлом турмуш тарзига амал қилса, касалликнинг пасайишига эришиш мумкин.**

Текширувларнинг кўрсатишича, саломатликка салбий таъсирнинг 30 фоизи сифатсиз ичимлик сувига, 40 фоизи ҳавонинг ифлосланишига боғлиқ экан. Атмосфера ҳавосининг қўрғошин, азот, углевод оксиди ва бензопирен билан ифлосланиши онкологик касалликлар, туғма аномалиялар, асаб тизими касалликларининг кўпайишига олиб келади.

Ривожланаётган мамлакатларда 80 фоиз касаллик ифлосланган сувни истеъмол қилиши билан боғлиқ. Сув таркибидаги касаллик чақирувчи микроорганизмлар сабабли дунё бўйича ҳар йили 25 миллионга яқин аҳоли ўткир ичак инфекцияси билан касалланмоқда. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар сувнинг қаттиқлашишида кальций, магний тузлари, 12 та элемент – бериллий, бор, кадмий, калий, натрий ва бошқаларнинг кўпайгани сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Бу танада тошлар пайдо қиладиган касалликларни келтириб чиқараётгани ачинарлидир.

Атмосфера ҳавосидаги зарарли чанг, газ ва буғлар нафас олиш йўллари касалланишига олиб келиши маълум. Жумладан, ҳаво таркибидаги фтор, қўрғошин, марганец, кадмий аэрозоллари танага ўтгач, сурункали касалликлар, яъни камқонлик, полиартрит, полиневрит ва бошқа хасталикларни чақиради.

Инсон саломатлиги учун энг хавфли манбалардан яна бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлардир. Ўртача ҳисобда йилига 3 миллион тонна зарарли омиллар ҳавога чиқарилади.

Экологик муаммоларнинг салбий таъсирини камайтиришни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз керак. Масалан, уйимиздаги чиқиндиларни махсус жойларга ташлашимиз лозим.

Гигиена, табобат, экология соҳасидаги билимсизлик, нотўғри овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўймаслик, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, камҳаракатлилик, руҳий-эмоционал зўриқишлар ҳам инсон саломатлигига таъсир кўрсатади.

Юрак қон-томир касалликлари авваллари асосан катта ёшдагиларда учрар эди. Ҳозир бу хасталик анча ёшарган. Япон тадқиқотчиларининг аниқлашича, тананинг меъёрий фаол ҳолати ва соғлигини сақлаш учун одам кунига 10 минг қадам юриши лозим, бу ўрта ҳисобда 7-8 километр дегани.

**Дилором ЁРМУҲАММЕДОВА,**
**Ўзбекистон экологик ҳаракати эксперти.**



# САНОАТДАН ҲУДУД ЗАРАР КЎРМАЯПТИ

**Ҳозир Бекобод шаҳри ва туманида 39 та саноат, 51 та автотранспорт, умуман, 100 га яқин турли корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан йирик "Ўзметкомбинат" ва "Бекободцемент" корхоналарининг ҳудуд атроф-муҳитига таъсири қандай? Бу таъсир безиён бўлиши учун нималар қилинаяпти?**

"Бекободцемент" 1995 йили "Бекобод цемент комбинати" негизида ташкил этилган. Корхона 1999 йилгача Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Нов тумани ижроия қўмитасининг келишуви асосида оҳакни "Хилково" карьеридан олиб келар эди. Ҳозир эса, бу хом ашёни Жиззах вилоятидаги "Баликлитау" карьеридан қазиб олади. Корхонада атмосфера ҳавосининг ифлосланишини камайтириш мақсадида юқори унумли тозалаш ускуналаридан фойдаланилади. Махсус таҳлилий назоратга ихтисослаштирилган инспекция лабораториясида ҳар ойда таҳлиллар ўтказилади ва натижаларга кўра тозалаш иншоотларининг самарадорлиги ошириб борилмоқда.

Республика Президентининг "Ўзбекистон металлургия комбинати ишлаб чиқариш бирлашмасини қайта модернизация қилиш ҳақида"ги Қарорига асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Москвадаги "Фингоинжиниринг" компанияси мутахассислари корхонада чанг ва газ тозалаш қурилмасини реконструкция қилиб, зонт ўрнатишди. Натижада атмосфера ҳавосига бир йилда 1 миллион 300 минг тонна атрофида ифлос газ ва чанглар ташланишининг олди олинадиган бўлди.

Авваллари атмосфера ҳавосига эски газ тозалаш қурилмасидан чиқаётган ҳар куб метр ташланма таркибида 90-130 миллиграмм миқдорида газ ва чанг заррачалари бўларди. Бугунга келиб эса, лаборатория таҳлилларига кўра, 1 куб метр ташлама таркибида атиги 12-14 миллиграмм газ ва чанг заррачалари бор экан. Келгусида газ ва чангларни янада камайтириш устида бош қотирилмоқда. Бундан ташқари, баландлиги 140 метрли мўри кўп йиллардан бери ишлатилмаётган эди. Яқиндан бошлаб у ишга туширилди. Бу ифлослантирувчи моддалар юқори баландликда ёйилиши ва оғир металларни мўри ичига чўкишига ёрдам бермоқда. Бугунги кунга келиб корхонанинг чанг тозалаш ускунаси ёрдамида бир ойда 700-800 тонна чанг ушлаб қолинмоқда.

Корхонада темир ишлаб чиқаришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар махсус цехда қайта ишланади. Цехнинг умумий қуввати йилига 150 минг тонна шлакни қайта ишлашга мўлжалланган. Келажакда чиқиндиларни тўлиқ қайта ишлаб, чиқиндисиз технологияга ўтиш режалаштирилган.

Шунингдек, "Ўзметкомбинат" 2006 йил август ойидан бошлаб Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб оқава сувларни тозалаш учун графит сорбентидан фойдаланишга ўтди. Бир килограмм сорбент ўртача 14-17 килограмм нефть маҳсулотлари ва бошқа ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолиш хусусиятига эга. 2009 йилга қадар 4550 килограмм сорбент ишлатилиши натижасида 74 минг 250 тонна ифлослантирувчи моддалар ушлаб қолинган. Яъни, Сирдарё сув ҳавзаси шунча кам зарарланган.

Бекобод шаҳрининг атмосфера ҳавоси таркибидаги аралашмаларнинг миқдорини Гидрометеорология марказининг учта кузатиш пости аниқлаб боради. 2009 йилги кузатиш натижаларига кўра, ҳаводаги аралашма меъёрдан ошмаган.

Олмалиқни саноат шаҳри деймиз. Демак ишлаб чиқариш бор жойда атроф-муҳитга таъсир ҳам бўлади. Бундай корхоналар йўқ эмас. Уларнинг энг йириклари қаторига "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ҳамда "Аммофос – Максам" очиқ акциядорлик жамиятини киритиш мумкин.

Металлургия комбинатида 2010 йил 9 ойда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасига кўра, чиқиндилар 1265 тоннага камайишига эришилди.

"ОКМК"нинг ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақловчи иккита ҳудуди бор. Уларда таркибида мис, қўрғошин ва темир бирикмалари бўлган чиқиндилар сақланиб, мунтазам мониторинг ўтказилади.

"Аммофос – Максам" корхонасида бу йил атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли ташланмаларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. 9 ойлик натижага кўра, аммиак ва фторли водород моддалари 7 килограмм камайишига эришилди.

Вилоят бўйича 29 та корхонада доимий мониторинг дастур асосида ўтказилади. Ифлослантирувчи манбалардан ҳар ойда намуна олиниб, таҳлил ўтказилади. Сўнгги мониторинг кузатувлари натижаларига кўра, корхоналар ҳавога чиқараётган ифлослантирувчи моддалар белгиланган меъёрлардан ортмаган.

**Фотима ШОДМОНОВА,**
**атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.**



# ОБ-ҲАВО

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 18 декабрь куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 14-16 даража илиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида ТУРСУНБОЕВА тайёрлади.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ, БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

**"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга".**

**Ҳа, айнан шундай. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, бурчдорлик фазилатлари бахтимиз қомуси – Конституцияда ҳам ёрқин акс этган.**

Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар борки, улар доим эътиборда, муҳофазада. Ангрендаги вилоят ногиронлар реабилитация маркази ташкил этилганига ўн йил бўлди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган кўламли хайрли ишлардан бири шуки, ушбу тиббиёт муассасаси кўпларнинг дардига малҳам бўлди, улар яна иш фаолиятини давом эттиришяпти.

– Марказимиз вилоят миқёсида соғлиқларини тиклаш, ўз иш жойларига қайтиш истагида бўлган ногиронларга хизмат кўрсатади, – дейди олий тоифали шифокор-терапевт Гавҳар Шониёзова. – Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам бизда бажонидил даволанишади.

Шифокорнинг сўзлари бежиз эмас экан. Муассаса ҳовлисида турган икки отахоннинг суҳбатлари қулоғимизга чалинди.

– Яқинда ҳамқишлоғим шу ерда даволаниб кетувди, – дейди 70 ёшлар атрофидаги нуроний отахон. – Оққўрғондан келдим. Ҳамқишлоғим тўғри айтган экан.

– Ҳа, манави тоғларга қаранг, – унинг сўзини қувватлади ҳамроҳи. – Худди ёнингда тургандек. Тоғнинг беғубор ҳавосини ҳис этаяпман.

Ҳақиқатан ҳам, енгил эсган куз шамолида шитирлаётган акас ва чинор барглари гўё уларнинг сўзларини маъқуллаётгандек. Бу даргоҳга вилоятимизнинг турли туман, қишлоқ ва шаҳарларидан келиб даволанаётганлар анчагина.

– Мен Оҳангарондан келдим, – дейди Дилбар Алимова. – 1-гуруҳ ногирониман. Олти-етти йилдан буён инсульт асорати вужудимни қийнайди. Кўп жойларда даволандим. Аммо бу ердаги шароит, шифокор, ҳамшираларнинг хушмуомаласи туфайли дардларим чекинаётгандек. 3 йилдан буён шу марказга келиб, муолажа олиб тураман. Қўлларим ўзимга бўйсунмасди. Энди аста-секин қимирлата бошладим.

Беморнинг самимий дил сўзларидан сўнг "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" деган сўзларнинг исботи ўлароқ, маскандаги шарт-шароитларни шифокор-невропатолог Эргаш Ҳақназаров ҳамроҳлигида кузатдик. Тоза, озода, шинам ётоқхоналар, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар беморларнинг кўнглини ёзиб, руҳини кўтаради. Биолаборатория, сўнгги русумдаги рентген аппарати, ўпка фаолиятини текширувчи спирометр, умуртқа поғонасини даволашда ишлатиладиган траксион аппарат, электроэнциорологрaфия, электрокардиография, функционал диагностика, физиотерапия, лазеротерапия асбоблари, электр уқалаш каравоти...

– Илгарилари бундай замонавий тиббий жиҳозларни тасаввур қилиш ҳам мушкул эди, – дейди Э. Ҳақназаров. – Буни мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасига қаратилаётган катта эътибор, халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган кўламли ишларнинг бир учқуни десак хато бўлмас. Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликлари кўрсатаётган ёрдам туфайли ногиронларга беғараз хизмат қилаяпмиз. Муассасамизда даволаниб, иш фаолиятини давом эттиришга муваффақ бўлган ногиронлар талайгина.

Ангрен шаҳри, Оҳангарон, Оққўрғон, Қибрай, Пискент, Зангиота, Паркент туманларидан келиб даволанаётган ногиронлар орасида яна ўз касбларида ишлаш бахтига муяссар бўлаётганлар оз эмас. 10 ой давомида 663 бемор дардига малҳам бўлган шифокору ҳамширалар эл олқишига сазовордир.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

# XXI аср ва дунё

## ГРЕЦИЯ КЎЧАЛАРИДА ЯНА ТАРТИБСИЗЛИК

**Мамлакат ҳукуматининг иқтисодий таназзулга қарши янги чора-тадбирларидан норози бўлган бир неча минг ёшлар Афина кўчаларига чиқдилар.**

AFP берган хабарда айтилишича, норозиларнинг чиқишлари жиддий тартибсизлик ва полиция билан тўқнашувларга сабаб бўлди. Парламент биноси олдида юз берган тўқнашувлар чоғида полиция уларни тарқатиб юбориш мақсадида кўздан ёш оқизувчи газ ва нур берувчи гранаталардан фойдаланди.

Салоника шаҳридаги шундай тартибсизликлар пайтида давлат идоралари биноларига қўлбола бомбалар улоқтирилди. Банк ва дўконларнинг витриналари синдирилди.

Греция ҳукумати Халқаро валюта фонди ва Европа Иттифоқи олдидаги мажбурияти сабабли қонунчиликка энг юқори иш ҳақини чегаралаш ва уни кейинчалик пасайтириб бориш назарда тутилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳужжатга парламент имзо қўйишига эришди. Айнан шу сабабли Афина ва бошқа шаҳарларда норозилик чиқишлари қайта авж олди.

## ҚАРЗДАН ҚУТУЛИШНИНГ ЙЎЛИНИ ТОПДИ

**Испаниялик қуролли киши тўрт кишини отиб ўлдиргани ҳақида AFP агентлиги хабар тарқатди.**

Биринчи қотиллик Олот шаҳридаги барлардан бирида содир бўлди. 57 ёшли киши хонага кириб келиб, икки кишига қарата ўқ узди. Қурбонлар қурилиш компанияси эгалари бўлган ота-бола экан.

Шундан сўнг қотил нарироқда жойлашган банк бўлимига бориб, яна икки хизматчини отиб ўлдирди.

Орадан кўп вақт ўтмай, полиция шахсини аниқлаган қотил қўлга олинди. Педро исмли бу киши молиявий қийинчилик туфайли қотилликдан ўзга чора тополмаган экан. Олот шаҳри ҳокими Луис Сакрест шундай изоҳ берди.

НИГОҲ

## АЁЛИГА ЭЪТИБОРСИЗ ЮРТ келажак ҳақида қайғурмайди

**Узоқ ўтмишда спарталикларнинг олис сафарга жўнаб кетганларидан хабар топган Фива давлатининг катта қўшини Спартани забт этиш учун унга яқинлашади. Қарасалар юртнинг ҳеч қандай девор-тўсиғи йўқ ва мутлақо қўриқчисиз. Буни кўрган душман қўшини саркардалари хотиржам бўлиб, аскарларга тонггача дам бериб, эртасига шаҳарни талаш ва бойликларини талон-торож қилишга отланадилар. Бироқ, Спарта аёллари тун қоронғусида уларни тиғдан ўтказадилар.**

Албатта, тожик аёлларини спарталиклар билан тенглаштириб бўлмайди. Негаки, қадимий давлат аёллари нафақат бола туғиш ва тарбиялаш, балки ўйингоҳларда югуриш ва найза улоқтиришда ўз эрларидан қолишмаганлар. Бугунги тожик аёллари эса кўп имкониятлардан мосуво қилинган. "Жонажон давлатлари" уларни солиқ ва турли ноқонуний йиғимларга кўмиб ташлабгина қолмай, ўзга мамлакатларга ишчи кучи сифатида ижарага топширмоқда.

Фуқаролар уруши ва мамлакатни уқувсиз бошқариш шунга олиб келдики, Тожикистонда бева аёллар кўпайиб кетди, юқори малакали мутахассис ва ишчиларнинг аксарияти оиласини боқиш учун пул топиш дардида чет элларга жўнашди. Бу эса, ўз навбатида мамлакатнинг илмий ва иқтисодий салоҳиятини пасайтириб юборди. Оммавий ишсизлик ва МДҲ мамлакатлари ўртасида энг паст ҳаёт даражаси икки миллиондан зиёд тожикларни ўзга юртларда ишлашга мажбур этди. Мамлакат ҳукуматининг улар тақдири билан мутлақо иши йўқ. Давлат ҳам ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаяпти. Уй-жойсиз, ижтимоий имтиёзлардан маҳрум тожиклар мусофирликда энг оғир ишларни бажаришга маҳкумлар. Оқибатда чет элларда ишлаб ҳам оилаларини ёлчитиб боқолмаяптилар.

Ҳомиладорлик билан боғлиқ ўлим хавфи, айниқса, қишлоқ аёллари учун жиддий муаммога айланди. Республикада ҳомиладор аёлларнинг 40,2 (айрим жойларда 80) фоизи уйида кўзи ёрияпти, бунинг ҳам 60 фоизи тиббий назоратсиз юз бераяпти. Репродуктив ёшдаги аёллар саломатлиги ёмонлашиб бораётганининг асосий сабаби шунда.

Эркакларнинг чет элларга оммавий иш излаб кетиши аёлларни оила бошида қолишга мажбур этаяптики, бу миллий менталитетга мутлақо тўғри келмайди. Улар аёл бошлари билан ҳатто, эркаклар ҳам камдан-кам чидайдиган оғир жойларда ишлашга рози бўлишяпти. Сабаби шуки, одатда аёллар ишлайдиган озиқ-овқат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда иш ҳақи мамлакатдаги кун кечириш учун зарур бўлган даражадан бир неча баравар кам.

Боз устига, тез-тез туғиш ва қуввати паст озиқ-овқат тожик аёлларининг силласини қуритиб, соғлиғига путур етказиб, ўлимни кўпайтирмоқда. Овқатнинг сифатсизлиги, ташқи иллатлар таъсири сабабли улар ўртасида юқумли касалликлар ҳам кўпайиб бораяпти. Тожикистонда сил касалига чалинганларнинг 45 фоизи аёллар.

Бундай оғир ва иложсиз шароит аёлларни ҳам чет эллардан иш топишга мажбур этмоқда. Ҳозир, расмий маълумотларга қараганда, Россияда 55 минг тожик аёли ишламоқда. Уларнинг 98 фоизи 18-29 ёшда. Ноиложлик аёлларни, айниқса шимолда яшовчиларни ўз фарзандларини қариндош-уруғлари қарамоғига ташлаб, хориждан нажот излаб кетишга мажбур қилаяпти. Шуниси ачинарлики, бу аёлларнинг кўпчилиги ўз Ватанига қайтмоқчи эмас.

Айримлар "Бу даҳшатку!" дейишлари мумкин. Аммо, ёдга олайлик, урушлар даврида аёллар дала ва боғларда, кон шахталари ва мартен печлари ёнида ўз эрлари йўқлигини билдирмай, ўн олти соатлаб тер тўккан ҳоллар тарихда кам бўлганми? Ахир ҳозир мутлақо ўзгача давр-ку. Биринчидан, Тожикистон ҳеч ким билан урушаётгани йўқ. Иккинчидан, мамлакат раҳбарларининг охирини чуқур ўйламай амалга ошираётган режалари сабабли бугун миллатнинг охирги захираси – хотин-қизлар тақдири ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Миллатнинг доимий яшаб қолишини табиий йўсинда таъминлашга даъват этилган аёлларга бундай бефарқ муносабатнинг охири нима билан якунланади?

Французларда шундай гап бор: "Тахт вориси дунёга келиши учун қирол шарт эмас, аммо, қиролича албатта керак". Ишга яроқли деярли ҳамма эркаклар, таъбир жоиз бўлса, мамлакатдан қочиб кетишган. Тожикистон эркакларсиз ҳам яшаган ва яшайди. Аммо, мамлакат аёлларсиз қандай яшаб қолади?

**Саидхон ЖОБИРОВ.**
tjknews.com.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

**Миллий санъат марказида грузиялик рассом Хатуна Хомерикининг "Бизнинг кичик, глобал олам" деб номланган илк шахсий кўргазмаси очилди.**

## КЎРГАЗМАДА ФАЛСАФИЙ ЭКСПОЗИЦИЯ

"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Грузиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур фалсафий экспозиция замонавий ҳаётда инсон ўрни мавзусига бағишланган 12 та асарлар мажмуидан иборат.

Кўргазмадан инсонни ўраб турган олам, ҳаётий вазиятлар, фикр ва ҳиссиётларни акс эттирувчи асарлар жой олган. Ҳар бир картинанинг жозибадор фалсафаси унинг номида акс этади.

**"Туркистон-пресс".**

# ЗАМИННИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ҚАСРИСАН – ВАТАН



## ҚУЁШГА ҚАРАГАН УЙ

*Қуёшга қараган бир уйни кўрдим,*
*Кўзим қамаштирди нурли бинолар.*
*Ҳар битта дардкашнинг ҳолини сўрдим,*
*Қайта туғилгандек Ибн Синолар.*
*Тандирли кичик уй, кошонам – Ватан,*
*Тошкентим, Фарғонам, Афшонам – Ватан.*

*Кимни соғинтирмас ялпиз ҳидлари,*
*Келинлар чаккага райҳонлар таққан.*
*Шеърга айлангандир соғинч ўтлари,*
*Юракдан меҳрнинг чашмаси оққан.*
*Сен менинг ҳовлимсан, гулзорим – Ватан,*
*Бобурин соғинган оҳ-зорим – Ватан.*

*Дунёга кўрсатди адл юзини,*
*Чақмоққа айланди сўзлар ҳам шу он.*
*Қуёш ҳам шу уйга отди ўзини,*
*Ҳатто, сайёралар бош эгди пинҳон.*
*Улуғбек кашф этган осмоним – Ватан,*
*Фитратим, Чўлпоним, Усмоним – Ватан.*

*Не сабаб, билдингми, гўзал бу қаср,*
*Балки чарақлаган қуёши сабаб?*
*Йўқ, унинг олдида қуёш ҳам асир,*
*Унинг бош меъмори – юртбоши сабаб.*
*Сен кўнгил уйисан, аслисан – Ватан,*
*Заминнинг энг гўзал қасрисан – Ватан.*



## ҚОРАСОЧ

*Сен тун эмас, кундузимни,*
*Қаро этдинг, қорасоч,*
*Шул қаро тун ичра бағрим*
*Яро этдинг, қорасоч.*

*Икки зулфинг – икки дарё,*
*Тўлқинланиб оқар гўё,*
*Мани икки соҳилингга*
*Аро этдинг, қорасоч.*

*Сочинг янглиғ узун тунлар*
*Ҳар толаси бир парда,*
*Гоҳ тўлғаниб, гоҳо маҳзун*
*Наво этдинг, қорасоч.*

*Мен қалбимни бердим тунга,*
*Савдога қолди бошим,*
*Тун дорига осиб мени*
*Адо этдинг, қорасоч.*

## ЭРТАК

*Эртак эрмак эмасдир,*
*Эртак ёлғон демасдир.*
*Уни тинглаб улғайган*
*Ёмон йўлга кирмасдир.*

*Эртак айтдим бир бора,*
*Шеър ҳам бўлиб баҳона –*
*Шоир қалам ҳақига*
*Уй қурибди шоҳона.*

## ОЛТИН БАЛИҚ

*Ёзганларим ўзимга хосдир,*
*Ҳеч бўлмаса, мағзин чақиб кўр.*
*Кўнгил асли шеърий либосдир,*
*Илҳом – дарё, ташлагаймиз тўр.*

*Нима тутдик, ҳали аниқмас,*
*Э, худойим, менга мадад бер.*
*Кутганимиз олтин балиқмас,*
*Илинса бас, биттагина шеър.*

**Ашурали БОЙМУРОД.**

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

# АСОМ ҒАДАНГ «ТАВБА» ДЕДИ

– Орзу-ҳавас яхши, бироқ ҳамма нарсанинг чек-чегараси бўлиши керак...

Гангир-гунгур суҳбат билан бўлиб, даврада ўтирганлар бу гапни илғамай қолишди. Асом Ғаданг ҳам шу пайтларгача кузатилмаган бир алпозда, кўп нарсадан ҳафсаласи пир бўлган кишидек, сўниқ оҳангда гапирди. Ҳамид оқсоқол буни сезиб, Ғадангнинг ёнбошида ўтирган Карим пучуққа им қоқди. У бурнини пишиллатиб, елка учирди.

– Ўзи нима гап, мулла Асомиддин? – сўради Оқсоқол сабри чидамай.

– Эртамертан жуда ҳашаматли тўйхонада ош бўлди, – деди Ғаданг. – Олим пичоқчи бўларди-ку, шунинг набираси қиз чиқараяпти. Ана тўю мана тўй. Эшитишимча, уч юз кило гуруч дамлатипти. Келаётган-кетаётганларнинг ҳисоби йўқ. Бир пайт қуда томон кириб келди саф-саф бўлиб. Уч юз эллик-тўрт юз киши боров!.. Тўйкаш уларнинг кўпини танимаса ҳам керак.

– Тўғри айтасиз, Асомиддин, обдон қуюшқондан чиқиб кетдик, – деб қўйди Обид домла.

– Олим деганларингиз ўзимизнинг бодомзорлик пичоқчими? – нимҳуштак овозда сўради Усмон читтак.

– Ҳа-да, – деди унинг ёнбошида ўтирган Комил ҳиқичоқ.

– Худо ярлақаб, битта пичоқ сотиб қолса, ўша куни хонадонидан тутун чиқарди, раҳматлининг...

Читтакнинг бу гапи улфатларни хаёлга толдирди. Давра сукутда қолди.

– Ҳақ гапни айтдингиз, Усмон ака, – деди ниҳоят Ғаданг. – Мен ҳам шуни назарда тутиб айтдим, бояги гапни. Шунча совур-совур, дов-дастакнинг ўрнига, битта бечоранинг битиши судралиб ётган кулбасини тиклаб, томини ёпиб бер, ота ўғил!

– Пичоқчининг ўғли ҳам эгни тузукроқ тўн кўрмай ўтиб кетганди, – деди Ҳиқичоқ.

– Набира ҳам одамови эди, – суҳбатга қўшилди Акром қийқириқ. – Афғонда бир оёғини ташлаб келди. Кейин хийла фурсат кўринмай кетди. Мана, икки-уч йилки, шаҳардаги бойваччаларнинг бири.

– Ўша кўринмай кетган кезлари Тўйтепами ё Пискент томонларда енгил машиналарни қисмларга ажратиб сотиш билан шуғулланган дейишади.

– Бўлса бордир, – Читтакнинг фикрини қувватлади Ёқуб котиб. – Чунки ўғлимнинг "Жигули"си йўқолганида, шу бола ёрдам берган. Эрта билан турсак, мошинни эшигимиз тагига қўйиб кетишипти.

– Зўрдан зўр чиқса, шуда, – деб қўйди Ҳиқичоқ. – Мана энди ўша набира минглаб одам чорлаб, ош берипти.

– Қандини урсин, – деб қўйди Ғаданг. – Бироқ, меъёрни, андишани унутмасин.

– Кеча Янгийўлдан келдим, – деди Эшмат новвой. – Жияним қиз узатди. Никоҳ базмида жияним куёвтўрага оппоқ "Нексия" калитини топширди. Бунга нима дейсиз?

– Айтдим-ку, меъёрни сақлаган дуруст, деб, – деди Ғаданг. – Гап довдастак, мол-дунёдамас. Йигитдир, қиздир – бахтини берсин.

– Ҳақ гап шу, – маъқуллади Котиб. – Ана, маҳалламизда Акбар ҳожи қизини не дабдабаю асасалар билан узатганди. Охири нима бўлди?

– Неча пайтдан буён Ҳожи кўчага чиқмай қўйган, билсангиз. Ҳамиша сафнинг олдида, давранинг тўрида ўтирарди. Тили бурро эди. Энди ўтирипти хонанишин бўлиб...

– Сабаби не, ахир?

– Куёв гиёҳванд экан...

Оқсоқол кафтини тиззасига урди. Оқсоқол билан Ҳожи аммавачча. Бирга ўсиб-улғайишган.

– Ўшанда, совчилар эшигининг зулфини бузаётганда, қайта-қайта айтдим, маҳалласига бор, поликлиникасидан суриштир, деб. Акбар у томоннинг бойлигига учди.

– Мана ҳозир кўп яхши тартиб жорий бўлди-да, – деди Домла. – Загсга ариза бераяпсизми, марҳамат, тиббий кўрик хулосаси бўлсин.

– Шундай, – маъқуллади Қийқириқ. – Яқинда укам ўғил уйлантирмоқчи бўлди. Ўғил ўзи билан ўқиган бир қизни айтибди. Биринчи боришдаёқ совчилар оқ ўраб келишди. Олдиндан йигит-қиз тиббий кўрикка қатнашаётганини эшитиб юрдим. Бироқ, кўнглим алланечук безовта бўла бошлади. Укамга маҳалласидан сўраб-суриштирайлик, дедим. Шукрки, рози бўлди. Ўзим бордим. Маҳалла оқсоқоли, олис-яқин қўни-қўшнилар билан суҳбатлашдим. Қишлоқ врачлик пунктига кирдим. Қисқаси, бечора қизнинг туғма дарди бор экан. Шу сабаб, тўй тўхтади.

– Менинг сингилгинам шундай маслаҳатга кўнмади, йигит хорижда ўқиган, олим одам деб туриб олди, – Котиб дўпписини қўлига олиб, бошини қашиди. – Ўқийман, илм қиламан, деб жиянимнинг ҳам ёши ўтинқираб қолганди ўзи. Хуллас, патир ушатилди. Тўй ўтди. Мана энди бечора жиян бахтсиз, бедаво дард сиртмоғида. Илми ҳам аросатда қолиб кетди...

– Наҳотки, одам боласи виждонини ютса, ҳақни яширса?!

– Бе-е! – деди Оқсоқол. – Уфқда ёлқин кўринса, ўзини унутади. Ўзини унутган бировнинг тақдирини ўйлармиди?!

– Тавба. Ундайларга виждон, ор-номус, андиша саробий тушунчалар эканда, – деди Ғаданг.

Бу хитоб жавобсиз қолди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**


Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Зангиота туман бўлими томонидан 2007 йил 1 февралда "KARVUCH" шўъба корхонасига берилган ТА № 0284283 рақамли бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Г. Абдуллаев кўчаси, 12-уйга тегишли 2009 йилда Исраилов Хаджимурат номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика кинофонди давлат корхонаси номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


РАССОМ ХАНДАСИ





С. Раҳимов туманидаги "NIHOL-ZAMIN" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва у корхонанинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

ИП ООО "HUMSON BULOQ" сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 025 088 долларов США до 150 000 долларов США.

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: Ташкентская область, Бустанлыкский район, поселок Хумсан.

ООО "SOLO BUSINESS" (ИНН 300727146) сообщает об уменьшении уставного фонда общества с 916 200 000 (девятьсот шестнадцать миллионов двести тысяч) сумов до 2 500 000 сумов.

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: Юнусабадский район, ул. Хуршида, д. 5. Тел./факс: 234-27-89.

Утерянный гувохнома за № 000107, реестр № 001581, выданный ООО "Tashor-AGRO" (ИНН 300583160, ОКОНХ 71150),

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Абулфайз САИДАСҚАРОВ**

Навбатчи
**Ирода НОРБОЕВА**

Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 5282. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1234